



PROSPECTS OF LEGAL REGULATION OF PUBLIC ORDER ACTIVITIES WITHIN THE FRAMEWORK OF A SINGLE LAW

Aziz Abralovich Sultanov

researcher

Ministry of Internal Affairs Academy of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: Aziz1978@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: maintaining public order, ensuring public safety, crime prevention, legal basis, regulatory legal document, modern work methods, law.

Received: 10.09.24

Accepted: 12.09.24

Published: 14.09.24

Abstract: In the article, the analysis of the normative legal documents adopted in the framework of the reforms implemented in the field of public order maintenance in recent years, their role as the legal basis of public order maintenance activities, the content and essence of the social relations regulated by them, and the perspectives in this regard are highlighted, scientific research conclusions are given based on the analysis of the opinions and comments presented in the works and legal literature.

ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ЯҒОНА ҚОНУН ДОИРАСИДА ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАР

Азиз Абралович Султанов

тадқиқотчи

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: Aziz1978@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқий асос, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, замонавий иш усуллари, қонун.

Аннотация: Мақолада жамоат тартибини сақлаш соҳасида кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар доирасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили, уларнинг жамоат тартибини сақлаш фаолиятини ҳуқуқий асоси сифатидаги ўрни, улар орқали тартибга солинадиган ижтимоий-муносабатларнинг мазмун-моҳияти ҳамда бу борадаги истиқболлар ёритилган бўлиб,

илмий тадқиқот ишлари ҳамда юридик адабиётларда бу борада келтирилган фикр ва мулоҳазалар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда хулосалар берилган.

ПЕРСПЕКТИВЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПО ОХРАНЕ ОБЩЕСТВЕННОГО ПОРЯДКА В РАМКАХ ЕДИНОГО ЗАКОНА

Азиз Абралович Султанов

исследователь

Академия МВД Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

E-mail: Aziz1978@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: охрана общественного порядка, обеспечение общественной безопасности, профилактика правонарушений, правовая основа, нормативный правовой документ, современные методы работы, закон.	Аннотация: В статье проводится анализ нормативных правовых документов, принятых в рамках реформ, реализуемых в сфере охраны общественного порядка в последние годы, их роль как правовой основы деятельности по поддержанию общественного порядка, содержание и сущность регулируемые ими общественные отношения, и освещены перспективы в этом отношении, даны выводы научных исследований, основанные на анализе мнений и комментариев, изложенных в трудах и юридической литературе.
--	--

КИРИШ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини йўлга қўйиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролар онгида “Қонун устувор, жиноятга жазо муқаррар” деган ҳаётий тамойилни қарор топтириш бўйича жиддий ўзгаришлар жорий этилмоқда [2]. Хусусан, соҳани ҳуқуқий асосларини замон талаблари асосида яратиш ва бу орқали замонавий иш усулларини жорий этиш, бу борадаги тизимли ишларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Соҳада сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар доирасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили, ушбу жараёнда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини замон талаблари асосида ҳуқуқий асосларини яратишга алоҳида эътибор қаратилганлигини кўрсатмоқда. Яъни, ички ишлар органларининг фаолиятини такомиллаштиришга оид қабул қилинган бирон бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат йўқки, унда соҳанинг ҳуқуқий тартибга солиш масаласига алоҳида тўхталмаган бўлса.

Маълумки, бошқарувнинг асосий белгиларидан бири унинг мақсади, вазифалари ва функцияларини ҳуқуқий тартибга солишидир. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар – бошқарув субъекти ва объектининг ҳуқуқий ҳолати, функцияларини мустаҳкамлайди, жамият бошқарув тизимининг ҳар бир иштирокчиси масъулиятини оширади [13; 14-б].

Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни самарали амалга ошириш бу – соҳадаги ҳуқуқий асосларни мунтазам мониторинг қилиб боришни, уларнинг ижтимоий ҳаётга қай даражада мослиги ва амал қилишини кузатиб боришни талаб этади. Бу эса ўз навбатида:

а) бу соҳадаги қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг, жумладан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги идоравий ҳужжатларининг Конституция ва қонунларга мослигини ўрганиш;

б) Конституциямиз норма ва қоидаларининг қонунлар ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тўлиқ рўёбга чиқарилиши ҳамда уларнинг қўлланишини кузатиш;

в) қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро боғланиши, комплекслиги ва уйғунлигини кузатиш ва ўрганиш;

г) соҳага доир қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ижроси амалда қай даражада таъминланаётгани, ҳаётга татбиқ қилинаётгани ҳамда жамиятга нафи тегаётганини ўрганиш;

д) амалдаги айрим қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ижроси таъминланмай, фақат қоғозда қолиб кетишига олиб келаётган сабаб ва шароитларни аниқлаш, ўрганиш ҳамда бартараф этиш орқали уларни такомиллаштириш чораларини кўришга имкон беради.

Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ташкил этади. Буларга Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги (2021 йил 20 апрель) Қонунига мувофиқ [10], Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари киради.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси қонунлари жамоат тартибини сақлаш фаолиятини тартибга солувчи муҳим ҳуқуқий асослар ҳисобланади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари жамоат тартибини сақлаш фаолиятининг айрим ижтимоий муносабатларини тартибга солишга хизмат қилади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (1992 йил 9 декабрь) қонуни давлат ҳокимияти ва бошқа бошқарув идоралари қатори ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ҳам табиатни муҳофаза этишга тааллуқли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари, фалокатларни ва уларнинг экологияга зарарли оқибатларини бартараф этиш ҳамда табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузганлик учун жавобгарлик каби ижтимоий муносабатларини тартибга солади [3].

Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги (2000 йил 15 декабрь) қонуни ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларининг инсониятга хавф солаётган терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш ҳамда уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш фаолиятини тартибга солади. Диний экстремистлар эса жиноятчиликнинг энг жирканч шаклларида бири бўлган терроризм, шу жумладан халқаро терроризмдан ҳам фойдаланадилар. “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасида кўрсатилганидек, террорчилик фаолиятининг олдини олиш давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмалари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа профилактик чоралар мажмуини ўтказиш орқали ҳамкорлик амалга оширилади [6].

Жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари фаолиятини ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги (2010 йил 29 сентябрь) қонуни кўрсатиш мумкин. Маълумки, мазкур қонун вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда, хусусан, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, яқка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирларни амалга оширишда, шунингдек вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга мазкур норматив ҳужжат, ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларининг кўчалар ва бошқа жамоат жойларида вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш функциясини ҳамда уларнинг пост ва патрулик йўналишларида хизмат ўтайдиган ходимларининг кўчалар ва бошқа жамоат

жойларида вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, содир этилганларини фош этиш; назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни, шунингдек алкогольли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсирида мастлик ҳолатида бўлган вояга етмаганлар ва ёшларни аниқлаш ҳамда уларни ички ишлар органи навбатчилик қисми ёки маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканига олиб бориш; ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган вояга етмаганлар ва ёшларни, уларнинг гуруҳ бўлиб тўпланиш жойларини аниқлаш чораларини кўриш, бу ҳақида навбатчига ахборот бериш, шунингдек ҳудудга бириктирилган профилактика (катта) инспекторига хабар бериш; вояга етмаганлар ва ёшларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар, ҳуқуқбузарлик содир этишга, шу жумладан қимор ўйинларига, тиламчиликка, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёҳвандлик ёки психотроп ва кишининг ақл-идрокига, иродасига таъсир қиладиган бошқа моддалар ёки воситаларни истеъмол қилишга, қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган айбли қилмишларни содир этишга жалб қилаётган шахсларни аниқлаш, бу ҳақида навбатчига, профилактика (катта) инспекторига ёки вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологга ахборот бериш; вояга етмаганларнинг тунги вақтларда жамоат жойларида ота-онаси (бошқа қонуний вакиллари) ёки болалар иштирокида тадбирларни амалга ошираётган шахсларнинг кузатувисиз юришларига (бўлишларига) йўл қўймаслик чораларини кўриш каби мажбуриятларини бажариш борасидаги ўзаро ҳамкорликда ҳуқуқий асос ҳисобланади [5].

Маълумки, жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қаратилган, мулкӣ ва бошқа турдаги жиноятларни аниқлаш, фош этиш, уларни содир этган шахсларни ушлашга қаратилган тезкор-қидирув фаолиятни амалга оширишда ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари ходимларига кўмаклашадилар.

Жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларининг тезкор-қидирув фаолиятни амалга оширишдаги кўмаклашиш фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида”ги (2012 йил 25 декабрь) қонуни ва ушбу қонун асосида қабул қилинган қонуности ҳужжатлар билан тартибга солинади. Мазкур қонуннинг 4-моддасида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳимоя қилиниши, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, барҳам бериш ва фош этиш, шунингдек, жиноятларни тайёрлаш ва содир этишга дахлдор шахсларни аниқлаш ҳамда топиш, суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жинойий жазодан бўйин товлаётган шахсларни, бедарак йўқолган шахслар ва қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларни қидиришни амалга ошириш, шунингдек таниб олинмаган мурдаларнинг шахсини аниқлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солаётган

шахслар, ҳодисалар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ҳақида ахборот тўплаш тезкор-қидирув фаолиятининг асосий вазифалари сифатида келтирилган. Бу эса, ушбу қонун ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ходимларининг норматив-ҳуқуқи ҳужжатларда белгиланган, жиноятлар содир этилиши эҳтимоли бўлган, қидирилаётган жиноятчиларнинг пайдо бўлиши ва яшириниши мумкин бўлган жойларни кузатишни амалга ошириш, фуқаролардан тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар тўғрисида хабар олинганда, ушбу фуқаролар, жиноят содир этилган аниқ жойи, ким томонидан ва кимга нисбатан тайёрланаётганлиги ёки содир этилганлиги ҳақида ва мазкур жиноятни фош этиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа маълумотларни ёзиб олиш, булар ҳақида дарҳол навбатчига ва бевосита командирига ахборот бериш ҳамда патруллик йўналишларида (постларда), айниқса фуқаролар гавжум бўлган жойларга алоҳида эътибор берган ҳолда қидирувда бўлган жиноятчилар ва бошқа қидирилаётган шахсларнинг белгилари бўйича уларни аниқлаш каби мажбуриятларини бажаришда ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш борасидаги ўзаро ҳамкорликда бевосита ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишини кўрсатади [6].

Маълумки, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларининг асосий фаолият йўналишларидан бири ҳисобланади. Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларининг ушбу фаолияти бевосита Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги (2013 йил 10 апрель) қонун ва у асосида қабул қилинган қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

Шу билан бирга пост ва патруллик йўналишларида хизмат ўтайдиган ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ходимларининг алкоғолли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсирида мастлик ҳолатида бўлган ҳамда белгиланган ёшга тўлмаган (ёши сезилиб турган ёки ходимга аён бўлган) шахслар томонидан транспорт воситаларининг бошқарилишига йўл қўймаслик ва йўл-транспорт ҳодисаларига олиб келувчи бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш; пиёдалар томонидан йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш, шу жумладан йўлнинг қатнов қисмида, шунингдек пиёдалар ўтиш жойларида ҳаракатланиш чоғида телефондан фойдаланиш, теле-, видеомасхулотларни кўриш, радио-аудиомасхулотларни эшитиш, китоб ёки даврий матбуот ўқиш ҳамда эътиборни чалғитадиган бошқа воситалардан фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш; йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда, бу ҳақида дарҳол навбатчига ахборот бериш ва йўл-патруль хизмати нарядига хабар бериш; тергов-тезкор гуруҳи ёки йўл-патруль хизмати наряди етиб келгунига қадар жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, йўл-

транспорт ҳодисаси юз берган жойни ўзгаришсиз ва ҳодиса изларининг сақланишини таъминлаш, ҳодиса иштирокчилари ва гувоҳларининг шахсини аниқлаш, ҳодиса юз берган жойдан кетиб қолган транспорт воситасининг русуми, ранги, давлат рақам белгиси ва бошқа идентификация қилиш белгиларини аниқлаш чораларини кўриш; йўл-патруль хизмати ходимлари билан биргаликда йўл ҳаракатига халақит берадиган ҳар қандай тўсқинликларни ўз вақтида бартараф этиш каби мажбуриятларини амалга ошириш борасида ўзаро ҳамкорликда ҳуқуқий асос ҳисобланади [7].

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014 йил 14 май) қонунининг қабул қилиниши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятини либераллаштириш ва демократлаштиришни янада кучайтиришга, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ҳамкорликни янада самарали ташкил қилишга, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини ва бу борада жамоатчилик назоратининг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Мазкур норматив ҳужжатда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари ва принциплари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар, уларнинг ваколатлари тартибга солинган.

Шу билан бирга ушбу қонун жамоат тартибини сақловчи бўлинмаларининг “Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратилган чора-тадбирларини кўриш бўйича” функциясини яъни ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек уларни содир этган шахсларни ушлаш чораларини кўриш мақсадида кўчалар, майдонлар, истироҳат боғлари, хиёбонлар, транспорт объектлари ва бошқа жамоат жойларида патрулликни амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларининг фаолияти қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, холислик, очиқлик ва шаффофлик принципи асосида ташкил қилинади [8].

И. Исмаилов айтганидек, Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги (2016 йил 16 сентябрь) қонунининг қабул қилиниши бугунги кунда ички ишлар органларининг ўта масъулиятли, жуда серқирра ва ранг-баранг фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий майдондаги бўшлиқ, ноаниқлик ва зиддиятларни бартараф этиш, шунингдек алоҳида қонун доирасидаги ички ишлар органлари фаолиятига оид асосий қоидаларни ягона тизимга солишни таъминлаш орқали ички ишлар органлари тизимидаги ислохотларнинг мазмунан янги босқични бошлаб берди [12; 162-б].

Қонунда жамоат тартибини сақлаш ички ишлар органларининг асосий фаолият йўналишларидан бири сифатида ўз ваколатлари доирасида амалга оширилиши белгиланди [9].

Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларининг авариялар, фалокатлар, ёнғинлар, табиий офатлар ва бошқа фавқулодда вазиятларда аҳолини хабардор қилиш, одамларни қутқариш, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, ёнғинларни ўчириш, худуднинг зарур участкаларини ўраб олиш (тўсиш) юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш, шунингдек фавқулодда вазиятларда қаровсиз қолган мол-мулкни кўриқлаш ҳамда ички ишлар органларининг фавқулодда ҳолатларда ҳаракатланиш бўйича махсус режалари амалга киритилганда, ушбу режалар асосида юклатилган вазифаларни ўз ваколатлари доирасида бажариш каби асосий функцияларини амалга ошириш ҳамда ўзаро ҳамкорликни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (2022 йил 17 август) қонуни ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Ушбу қонунининг 38-моддасида Ички ишлар вазирлигининг фавқулодда вазият зонасида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш; аҳолини хабардор қилиш, худуддаги зарур участкаларни ўраб олиш (тўсиб қўйиш) бўйича чоралар кўриш, қаровсиз қолган мол-мулкни кўриқлаш; соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда фавқулодда вазиятларда ҳалок бўлган одамларнинг ҳисобини юритиш каби асосий вазифалари белгиланган [11].

ХУЛОСА

Жамоат тартибини сақлаш фаолияти доирасидаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда ушбу соҳадаги ҳуқуқий нормаларнинг тарқоқлигига, қонуности ҳужжатлар ўртасидаги узилишларга ҳамда ўзаро зиддиятларга сабаб бўлмоқда. Қолаверса, жамоат тартибини сақлаш фаолиятини тартибга солувчи қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилмаганлиги ушбу соҳа субъектларининг хизмат фаолиятини амалга оширишда ҳуқуқни қўллаш бўйича тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Айни вақтда қонунларнинг тўлиқлиги, ҳаётийлиги ва тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмларига эга экани ҳақида сўз юритганда, бу борада ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини таъкидлаш зарур” [1]. Давлат раҳбарининг келтирилган мазкур фикрлари бевосита жамоат тартибини сақлаш соҳасига ҳам тааллуқлидир.

Бу борадаги мавжуд муаммоларнинг олдини олиш, ҳуқуқий бўшлиқ, ноаниқлик ва зиддиятларни бартараф этиш, шунингдек жамоат тартибини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқий нормаларни қонун доирасида ягона тизимга солиш мақсадга мувофиқ.

Ўйлаймизки, мазкур қонуннинг қабул қилиниши жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигига қарши қаратилган ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўришга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Мирзиёев Ш.М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж. 1. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 592.

2. *Мирзиёев Ш.М.* Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ташкил этилганининг 30 йиллиги муносабати билан соҳа ходимлари ва фахрийларига йўллаган табригидан // [Электрон манба]. – URL: <https://bugun.uz/2021/10/24/shavkat-mirziyoev-ichki-ishlar-organi-hodimlari-va-faxriylariga-tabrik-yolladi>.

3. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” қонуни // <https://www.lex.uz/docs/107115>.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.01.2022 й., 03/22/747/0064-сон.

6. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни // <https://www.lex.uz/docs/29526>.

7. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон.

8. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.06.2022 й., 03/22/772/0460-сон.

9. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.06.2022 й., 03/22/775/0477-сон.

10. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎРҚ-682-сон қонуни // <https://www.lex.uz/docs/5378966>.

11. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 17 августдаги “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.08.2022 й., 03/22/790/0751-сон.

12. *Ismailov I., Suvankulov M.* Goal: To Transform the Law Enforcement Agencies into a Popular System // International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. Volume 8, Issue 10 October, 2021 Pages: 159-165.

13. *Четвериков В.С.* Административное право. Серия «Высшее образование». – Ростов-на-Дону, 2004. – С. 14.